

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 21-avgust, shanba, 91-92 (23.527 - 23.528)-son


**Кун ҳикмати**

Кайвонилик бошқариш эмас, ибрат бўлишдир

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

# Президент миннатдорлик билдирди

**Давлатимиз раҳбарининг фармойишига кўра, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорларнинг бир гуруҳига миннатдорлик билдирилди.**



***Жумладан, вилоятимиздан қуйидагилар эътироф этилди:***

**“Энг кўп иш жойлари яратган тадбиркор” сифатида**

Турсунов Абдурашид Амриевич – “Sam-negin” МЧЖ раҳбари

Қўзиев Бурхон Муродович – “Paxtachi klaster” МЧЖ раҳбари

Саиджонов Мунис Азизович – “Samarkand-England eco-medical” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари

**“Энг яхши солиқ тўловчи” сифатида**

Жўраев Фахриддин Умарқулович – “Jomboy yashil chiroqlari” МЧЖ раҳбари

Мусинов Бахтиёр Муҳамеджанович – “Baxt” хусусий корхонаси раҳбари

Абдуллаев Камол Талатович – “SAM ANTEP GILAM” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари

**“Энг яхши экспортёр” сифатида**

Юсупов Носир Фатихович – “Bulungur-sandvikagrofirma” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Фаттаев Абдурашид Мўминович – “Zarafshon tekstil” МЧЖ раҳбари

Самарин Денис Павлович – “Sam fruit” АЖ қўшма корхонаси раҳбари

Президент миннатдорлик хатларини вилоят ҳокими Э.Турдимов кеча давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти аввалида ўз эгаларига топширди.

# Тадбиркор муаммоси давлат раҳбари билан мулоқотгача ҳал этилди

**Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан мулоқоти олдидан виртуал қабулхона, «Ишонч телефонлари», ижтимоий тармоқлар ҳамда республика ва жойларда ташкил этилган штаблар орқали тадбиркорларнинг мурожаатлари қабул қилинди.**

Тойлоқ туманида жойлашган “SHAYMANOV SHEXROZ BOG‘I NUR” фермер хўжалиги раҳбари Тоҳир Холматов ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти билан очиқ мулоқотда иштирок этиш учун тадбиркор ва инвесторларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва таҳлил этиш бўйича республика штабига чиқиб, фермер хўжалиги ер майдонлари ҳамда чегарасига аниқлик киритиш юзасидан масаласи борлигини маълум қилган.

Ушбу мурожаат кадастр агентлигининг туман бўлимига йўналтирилгач, бўлим мутахассислари томонидан ўрганилиб, муаммо шу ернинг ўзида ҳал этилди. Фермер хўжалигининг туман ҳокими қарорида кўрсатилган дала контурлари ушбу ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги харитаси асосида белгиланиб, чегара нуқталарига аниқлик киритиб берилди.

Нарпай тумани Қорасийроқ қишлоғида яшовчи Мухтор Эргашев ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, тадбиркорлик қилиш мақсадида “E-auksion” орқали сотиб олган бўш ер участкасини ўлчаб бериш бўйича ёрдам сўраган. Мазкур мурожаат ҳам давлат кадастрлари палатасининг Нарпай тумани филиали мутахассислари томонидан жойида ўрганилиб, ер майдони ўлчаб берилди.

Умуман, Президент билан очиқ мулоқотда иштирок этиш учун республика штабига вилоятимиздан тушган мурожаатларнинг 101 таси Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси ваколатига тааллуқли бўлиб, шу пайтгача 94 та мурожаат жойида ўрганилди ва 60 таси ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, жорий йил бошидан буён агентлик вилоят бошқармаси ва унинг туман бўлимларига жисмоний ва юридик шахслардан 1576 та мурожаат келиб тушган. Бу мурожаатларнинг 789 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ҳамда веб-сайти орқали тушгун бўлса, Бош вазир қабулхонасидан 190 та, Бош прокуратуранинг “Ишонч телефони” орқали 25 та, вилоят ҳокимининг телеграм мессенжери орқали 286 та масала қайд этилган. Бундан ташқари агентлик орқали ва жойларда ўтказилган сайёр қабуллар давомида 260 га яқин мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 556 таси ижобий ҳал этилиб, 1020 таси бўйича юридик ва жисмоний шахсларга қонуний тушунтиришлар берилган.

# Ўтмишдан хотиралар, бугундан шукрона, эртадан умид

**Самарқандда ўтказилган “Уч авлод учрашуви”нинг моҳияти шундай бўлди**

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги олдидан “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан нуронийлар, фаоллар ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирлар Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Шундан сўнг “Ипак йўли” туризм халқаро университети, вилоят ахборот-кутубхона марказига саёҳат уюштирилди. Ушбу масканларда ёшлар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар нуронийларда ҳайрат ва ҳавас уйғотди.

– Бир умр таълим соҳасида ишлаган ва қарийб асрга тенгдош инсон сифатида айтишим мумкинки, шу пайтгача бундай масканларда таълим-тарбия олиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш фарзандларимиз учун орзу эди, – дейди меҳнат фахрийси Дўпал Носирова. – Биз ўқитувчилар учун ҳам шундай имкониятларга эга муассасаларда ишлаш ушалмас орзу бўлиб қолган. Шукр, бугун набира ва эвараларимизга бу бахт насиб этди. Халқаро университетда талабалар учун яратилган қулайликлар чет элдаги номдор олий ўқув юртларидагидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Вилоят кутубхонаси ҳам анча эски бўлиб, бу ерга келувчилар қадами сийраклашиб қолганди. Энди эса бу марказ ҳам янгича кўриниш ва имкониятларга эга бўлибди. Эътиборлиси, китобхонлар ҳам кўпайиб қолибди.



Нуронийлар ва ёшлар Самарқанд шаҳрининг янги аҳоли массиви – Қорасувда кейинги йилларда амалга оширилган улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди, қурувчилар ва бу ердаги замонавий, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан самимий мулоқот уюштирилди. Шунингдек, шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам саёҳат уюштирилди.

Самарқанд шаҳридаги “Нурафшон” маданият саройи ҳудудида бир пиёла чой устида давом этган “Уч авлод учрашуви” аввалида кейинги йилларда вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, одамлар турмуш тарзидаги ўзгаришлар, жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги ислоҳотлар натижалари акс этган видеоролик намойиш қилинди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов тадбир қатнашчиларини Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги билан табриклади. Вилоят ҳаётида нуронийлар, ўрта авлод вакиллари ва ёшларнинг ўрни ҳақида сўз юритди.

– Бугун жамиятга янги куч бўлиб кириб келаётган ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол, билимли, етук мутахассис бўлишини таъминлашда қадрли отахон ва онахонларимизга суянамиз, – деди Э.Турдимов. – Уларнинг ҳаёт йўли, панд-насиҳатлари, шубҳасиз, ёшларимиз учун чинакам мактаб вазифасини ўтайди. Бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман, йил бошидан буён вилоятда ажрим ёқасига келиб қолган 741 та оиланинг 555 таси қадрли фахрийларимизнинг ёрдами билан, маҳаллаларда тузилган “Бувижонлар мактаби”, “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ёрдамида яраштирилди. “Ҳар бир нуроний – бешта ёшга мураббий” тамойили асосида 1114 нафар нуронийларимизга 5570 нафар ёшлар бириктирилиб, касб-ҳунар ўргатилди, ҳаёти изга тушди.

Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, меҳнат фахрийси А.Мардиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Х.Бобомуродова ва бошқалар юртимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳақида ўз фикрларини баён этди.

– Кун давомида қадрли нуронийларимиз ёнида юриб, уларнинг ёшлик йиллари, турмуш машаққатлари ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, биз жуда бахтли авлод эканмиз, деган хулосага келдик, – дейди Самарқанд давлат университети талабаси Хуршида Раҳмонова. – Сабаби, давлатимиз, шахсан Президентимиз биз, ёшлар учун шунча эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқда, бизни эшитиб, орзу-ниятларимиз билан қизиқмоқда ва бунинг учун шароит яратиб бермоқда. Айниқса, бу йил Ўзбекистон ёшлари ҳаётида тарихий бурилиш даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Кейинги 8-9 ойда Президентимиз икки марта ёшлар билан мулоқот қилди. Ана шу учрашувларда билдирилган фикрлар асосида муҳим қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси бугун ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Ўз навбатида, бугунги тадбирлар бизга катта мактаб бўлди, ҳурматли отахон ва онажонларимизнинг дуоларини олдик.

Учрашувда элимиз ардоғидаги санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Ғ.ҲАСАНОВ.**
**Б.МУСТАНОВ (фото)**

# Ўқишимиз ва уқишимиз зарур

**20 август куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари қирқинчи сессияси ўтказилди.**

Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарган сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари асосида тайёрланган “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” номли суҳбатнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари Р.Холмуродов, Ф.Тошев, шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Шодиева, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳ.Тўхтаев ва бошқалар мазкур интервьюда баён этилган фикрлар ва уни кенг халқ оммасига етказишда депутатлар, фаоллар олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

– Давлатимиз раҳбари ушбу интервью орқали Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар моҳиятини, ўз халқи ва Ватанига бўлган муҳаббатини, имкониятлар салоҳиятини, амалий ишлар жараёнини халқона ва самимий тарзда ифодалаган, – деди Э.Турдимов. – Шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, олдимизда турган устувор вазифалар белгилаб берилган. Буни ҳар бир юртдошимиз юракдан ҳис қилиб ўқиши, хулоса чиқариши ва зиммасидаги вазифаларни бажаришга астойдил киришмоғи лозим. Бунда депутатларимиз, раҳбарлар фаол бўлиши, халқимизга намуна бўлиб, суҳбатда баён этилган фикрларни пухта англаши ва уни одамларга тушунтириши зарур.

**Муносабат**

# Ортга йўл йўқ...

Давлатимиз раҳбари лавозимга киришган илк кунлариданоқ очиқлик, ошкоралик сиёсатини олиб бормоқда. Пировардида, бу одамлар онгида, жамият ҳаётида кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Оддий мисол, илгари ҳар қанча дарди бўлса-да, нима қиларини билмай юрган одам кимларгадир маломат қилишга тортинмай қолди. Чунки мурожаатчини таъқиб қилиш, унга таъсир ўтказиш ҳолатларига қонунда жавобгарлик чоралари белгиланди.

Рост, аввалбошда очиқлик сиёсатининг бундай “натижа”лари давлат бошқаруви идораларига кўплаб “бошоғриқ”лар келтирди. Аммо бугун вазият анчайин сокинлашди, бизнингча. Одамлар йўқ жойдан муаммо чиқармаяпти. Лекин дард келганда ҳеч кимни аямаётгани ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида бундай одамлар яқин келажакда ҳам қўллаб-қувватланишини англадим. Ўз навбатида, Президентимиз биз, депутатлар ва бошқа мутасаддиларга бор ҳақиқатни яширмаслик талабини қўйди. Демак, виждонан ишлаш, том маънода халққа хизмат қилиш асосий вазифа бўлишини яна бир бор уқтирдилар.

Умуман, интервьюни ўқир экансиз, берилган жавобларда мутлақо баландпарвоз гаплар ишлатилмаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, сўнгги уч йилликда олдимизга қўйган мақсадлар, Ренессанс масаласининг нозик жиҳатлари аниқ фактлар билан батафсил тушунтириб ўтилган. Бу маълумотлар айрим кишиларнинг “ёқасини тишлаб” қолишига сабаб бўлгани, шубҳасиз.

Менимча, ҳар ким ўзи ўзгармаса, тафаккури, дунёқараши замонга мослашмаса бўлмаслиги суҳбат-мақоланинг қизил чизиғи бўлди. Яъни, ҳар ким аввало, ўзини тафтиш қилиши керак.

**Мирзо ИХТИЁРОВ,**
**халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

# Партиялар имзо йиғяпти

Жорий йил 14 август куни Марказий сайлов комиссияси томонидан мавжуд бешта сиёсий партияга 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида иштирок этишга рухсат берилди. Сайлов Қонунчилигига кўра, сиёсий партиялар олдидаги навбатдаги муҳим жараён ўз номзодларини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тўлдириш ҳисобланади.

Партиялар имзо йиғиш жараёнида фаол, ташаббускор аъзолари кучига таяниши табиий. Маълум қилинишича, партия аъзолари ва фаолларига имзоларни тўплаш ва имзо варақаларини тўлдириш тартиби, бу борада амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар, зарур тушунча ва кўрсатмалар берилган.

2-саҳифа »»

24 OKTABR 2021-YIL O‘ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

30 O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligining 30 yilligi oldidan



**Бугун мамлакатимизда туб ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бериб, Янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бу ўзимизга хос ва мос иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни, миллий маънавият ва мафкурани яратишни тақозо қилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз "ор-номус, меҳр-оқибат, андиша, мурувват, шарм-ҳаё, ибо, орият» каби тушунчалар билан улғайганмиз.**

# Шуурнинг эврилиши

## Биз машаққатли кунларимиздан сабоқ чиқаришни ўрганишимиз керак

Шу боис кимлигимизни, қандай миллат ва халқ эканлигимизни тўғри англаш учун тасаввур фалсафасидан фойдаланиб, 30 йиллик мустақиллик даврида эришган ютуқларимизга баҳо беришимиз лозим.

Ўтмишимизга назар солсак, инсоният тарихига бетакрор аллома-ю фузалоларни, жаҳонни ҳайратга солган буюк даҳоларни етиштириб берган, башариятнинг гултожи бўлган халқмиз. Алломаларимиз, мутафаккирлар ўзларининг илмий-ижодий кашфиётлари билан башарият тараққиётига, дунё тамаддунига пойдевор қўйган мўътабар зотлардир. Улар диний ёки дунёвий илмларни пухта эгаллаб, IX-XII асрларда биринчи, XIV-XVI асрларда иккинчи Ренессанс даврини вужудга келтирди. Буюк аждодларимиз қолдирган мерос асрлардан буён инсониятнинг моддий ва маънавий тараққиёти учун хизмат қилмоқда.

Шу боис Президентимиз учинчи Ренессанс пайдеворини қуриш кераклигини устувор вазифа қилиб қўйди ва бугун шу йўналишда мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир хорижий тилларни, шу жумладан, араб тилини ўргатишга мўлжалланган кўплаб мактаблар очилмоқда. Қуръони каримнинг ҳақиқий илм манбаи эканлигини ўрганиш имкониятлари яратилмоқда.

Зеро, учинчи Ренессанс пойдеворини Янги Ўзбекистонга хос тарзда яратишга киришдик. Сиёсий соҳада узоқ йиллар қарамликда яшадик. Бугун мустақилликнинг 30 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриб, Янги Ўзбекистонни шакллантиряпмиз. Кеча бизни ҳеч ким танимасди. Бугун Ўзбекистон мустақил мамлакат сифатида бутун жаҳонга танилди. Халқаро майдондаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларимизни дунё ҳамжамияти тан олди.

Кечагина бирорта мамлакат билан мустақил равишда битим тузиш имкониятимиз йўқ эди. Бугун ҳамма давлатлар билан бевосита икки ёқлама манфаатдорлик принципида кўплаб шартномалар тузяпмиз. Бевосита сиёсий ташриф қилиш имконияти ҳам чекланган эди. Ҳозир бу масалада бирорта муаммо йўқ. Мамлакатимиз бир қанча сиёсий тадбирларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда.

Юртимиз илгари аграр иқтисодиётга асосланган давлат сифатида танилганди. Одамлар бир йилда бир марта даромад қиларди. Аста-секинлик билан иқтисодиётимиз жамоат мулкига асосланган шаклга эга бўлиб, аграр-индустриал иқтисодиёт шаклига ўзгарди. Бу ҳолатда иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омиллари экстенсив ва интенсив омиллар бўлиб, аксарият ҳолда қўл меҳнатига таянилган эди. Йил давомида оиланинг даромади фақат ойлик маошдан иборат бўлиб, ойликдан бошқа даромад меҳнатсиз даромад, деб баҳоланарди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ривожлантириш янги технологиялар асосида модернизация ва диверсификация ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди. Одамларнинг аксарияти бир ойда бир марта даромад қиладиган (иш ҳақи оладиган) бўлди. Охирги 5 йилда жаҳон тажрибасидан, мамлакатимиз иқтисодиётининг дунё иқтисодиёти билан фаол интеграцияланаётганлигидан келиб чиқиб, уни инновацион ва рақамли иқтисодиётга айлантириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди. Энди одамлар рақамли иқтисодиётни жорий қилиб, ҳар дақиқада даромад қиладиган бўлди. Одамларнинг фикри-ўйи даромад билан банд бўла бошлади. Худди шундай харажатлар сарфи ҳам тезлашиб кетди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эътиборимизни фақат иқтисодий жиҳатдангина буюк бўлишга қаратаётганимиз йўқ. Маънавий, маърифий, маданий, интеллектуал жиҳатдан ҳам бой бўлишга интиляпмиз.Чунки шу йўл билан сўз эркинлиги ва демократик тамойилларга амал қилинмоқда. Бироқ айримлар демократик жараённинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмасдан, ўзбошимчалик қилиб, турли ёлғон ва бўҳтон ахборотларни тарқатишга уринмоқда. Бундан келиб чиқадики, ахборот тарқатувчилар халқимизга аниқ гапларни, бугунги камчилик, эскидан яшаб келаётган қусурлар ва улардан қутулиш йўлларини, янгиланиш тамойилларини очиқ-ойдин айтишлари лозим. Бунга етарлича имкониятлар яратилди.

Бизга тўғри хулоса чиқариш ва ўрганиш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Тарихимиз ўзимиз учун буюк мактаб. Уни чуқур ўрганиш тақозо этилади, холос.

Назаримда, муваффақиятларимиз замири - миллатимизнинг, халқимизнинг аниқ мақсади, интилиши, ўзига хос миллий урф-одати, қадриятлари ва мафкураси борлигида. Маълум вақт миллатимиз парокандаликка маҳкум этилди. Бунинг сабаби, буюк мақсад ва интилишларимиздан четлатилиб, халқимиз онгига қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар сингдирилгани, умуммиллий мафкурамизнинг йўқотилганлиги эмасмикан, деган мулоҳазага борасан киши.

Зеро, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва мукаммал миллий мафкурага содиқлигимиз халқимизнинг умумий интилиши ва идрокини ифода этади. Айнан шу қадриятларимиз маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик, қариндошчилик иллатлари билан келиша олмайдиган тушунчалар бўлган ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Миллий мафкурани шакллантиришнинг яна бир концептуал йўналиши - бу ҳалоллик, адолат ва холисликни қарор топтириб, молпарастлик, алдамчилик, таъмагирлик каби иллатлардан холи бўлиш.

Инсонларнинг бой-бадавлат, эркин, фаровон яшашини таъминлаш жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади. Аммо бойликни ғирромлик, бировларни алдаш, нопок, таъмагирлик йўллари билан орттириш бутунлай нотўғри йўл эканлигини таъкидлаб, бутун жамиятни шу нопокликдан қайтариш чоралари кўрилмоқда. "Ҳамма бой бўлсин. Лекин бировлар эвазига, бировлар ҳисобига эмас". Ҳалоллик ва адолат бугунги ҳаётимизнинг ҳам принципига айланиб, амалиётда ўз тасдиғини топиб бормоқда.

Эркинликни ўзбошимчалик деб тушундик. Эркинлик бу қонунни тан олиш ва унга амал қилиш саналади. Ўзбекистоннинг тараққиёт моделида қонун устуворлиги бежиз асосий тамойил сифатида белгилаб қўйилган эмас. Қонун устуворлигини - қонун диктатураси деб тушунмоқ лозим. Қонунга амал қилмасдан бойиш, шуҳрат қозонишимиз кимларнингдир эвазига, кимларнингдир қонуний ҳуқуқларини паймол бўлиши ҳисобига амалга ошмаслиги керак. Миллий мафкурани, урф-одатларни, қадриятларни шакллантиришда халқимиз онгида қонунга бўйсуниш ҳиссини ҳар бир шахснинг инсоний бурчи сифатида тарбиялаш лозимлиги бугунги куннинг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Мустақилликкача ва истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимиз бахт индекси деган кўрсаткич бўйича БМТнинг мезонига умуман тўғри келмас эди. Бугун БМТ кўмагида, Колумбия университети Ижтимоий тадқиқотлар маркази томонидан аниқланган "бутунжаҳон бахт индекси"да Ўзбекистон 140 мамлакат орасида 51-ўринни эгаллаб турибди. Мана, одамларни давлатдан рози қилиш, уларнинг бахтли яшашини таъминлаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, ислоҳотларимиз натижаси. Дунё мамлакатлари ўртасида халқимизнинг яшаш даражаси ҳам мутасил ўсиб бормоқда.

Автомобиль ишлаб чиқариш бўйича дунёда эгаллаган ўрнимиз ҳам таҳсинга сазовор. Мустақилликка қадар мамлакатимизда автомобилларнинг бирорта детали ишлаб чиқарилмаган ва мос равишда дунё автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлари рўйхатида умуман бўлмаган. Ҳозирги кунда автомобиллар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сони 52 та бўлиб, Ўзбекистон улар ичида 27-поғонани банд этган.

Олтин қазиб олиш (ишлаб чиқариш) бўйича дунё мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон 7-ўринда турибди. Туризм соҳасидаги ютуқларимиз ҳам беқиёс. Америкада нашр қилинадиган "Harper's Bazaar" номли журнал дунёдаги туризм соҳаси бўйича 20-ТОП мамлакатлар рўйхатини эълон қилди. Унда Ўзбекистон ҳам киритилган. Дунё мўъжизалари рўйхатига Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуасини киритиш тавсия қилинди. Шунингдек, мазкур халқаро журналда Бухоро, Хива ва Фарғона водийсининг туризм салоҳиятига тўхталиб, Ўзбекистонни 2020 йилда албатта бориб кўрадиган мамлакатлар рўйхатига киритилган. Фарғона водийсини дунёда тенги йўқ керамик маҳсулотларини ва Тянь-Шан тоғлари ва адирларининг гўзал манзараларини томоша қилишнинг ўта завқли эканлигини ҳам қайд этган.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини муносиб кутиб олмоқда. Муҳими, кеча дунё танимаган Ўзбекистонни бугун ҳамма соҳада билишмоқда. Ўзининг иқтисодий, ижтимоий, интеллектуал салоҳиятини ишга солиб, жадал ривожланиш босқичига кириб олган Ўзбекистон яқин йилларда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига ишончимиз комил.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**

Интервью

# Биз келажак учун жавобгармиз

**Жорий йил октябрь ойида юртимизда президент сайловлари бўлиб ўтади. Амалдаги тартибга кўра, президентликка фақат рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Яъни, жараён партиялар учун яна бир синов даври бўлади.**

*Хабарингиз бор, мавжуд сиёсий партияларнинг вилоят кенгаши раҳбарларига сайловга тайёргарлик ва жараён билан боғлиқ бир нечта саволлар билан мурожаат қилганмиз. Сўровимизга Экологик партиянинг вилоят кенгаши раиси Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ қуйидагича жавоб берган:*

**- Экологик партия вилоят кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан октябрь ойида бўлиб ўтадиган президент сайловига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?**

- Айни кунларда партия ташкилотининг навбатдан ташқари коференциясига делегатлар сайланмоқда. Яъни, партия туман ва шаҳар кенгашлари томонидан экология соҳасида фаолият олиб бораётган, жойларда партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатаётган делегатлар номзоди кўриб чиқилмоқда.

Яна бир қувонарли ҳолат, "Оила даврасида" газетаси негизида партиямизнинг мақсад, вазифаларини кенг тарғиб қилиш учун "Оила ва табиат" газетаси ташкил этилди.

**- Вилоятда сайлов натижалари қандай бўлишини кутяпсизлар?**

- Сайлов натижалари тўғрисида олдиндан бир нарса дейиш қийин, албатта. Лекин халқимиз олдидаги масъулиятимиз туфайли ҳаяжонимиз кучли. Умуман, вилоятда сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъий назар ўз олдимизга қўйган "Биз келажак учун жавобгармиз!" шиоримизга содиқ ҳолда фаолиятимизни давом эттирамиз.

**- Партиядан Президентликка кўрсатилган номзод учун табиийки, вилоятда ҳам ишончли вакил сайланади. Бу вазифа ким(лар)га топширилиши режалаштирилган? Унинг қайси жиҳатлари сайловолди тарғиботида самара беради, деб ўйлайсиз?**

- Партиямиздан президентликка кўрсатилган номзод учун вилоятимиздан 3 кишининг номзоди ишончли вакил бўлиши тўғрисида таклиф берилган. Улар албатта, партиянинг фидойи, табиат учун жонкуяр, омма орасида меҳнати ва илми билан эътибор қозонган кишилардир. Қайд қилинган жиҳатлар сайловолди тарғиботида самара беради, деб ишонамиз.



**- Умуман, Экологик партиядан кўрсатилган номзод сайловларда ғалаба қозонса, одамлар нимадан умид қилишлари мумкин?**

- Қалбида она табиатга, она тупроққа, соғлом муҳитга зарурати, истаги ва энг муҳими, юрагида меҳри бор ҳар бир инсон Экологик партия тарафдори бўлади. Сайловларда номзодимиз ғалаба қозонса, бу борада катта амалий ишлар олиб борилади. Зеро, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, бунда таълим ва тарбиянинг ўрнини тўғри белгилаш мақсадларимиздан бири.

**- Жорий йилнинг ўтган даврида партия депутатлик гуруҳи томонидан муайян масалани ўрганиб, вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқилмади. Бу ҳолат сайловларда акс таъсир қилмайдими?**

- Ўринли савол, вилоят Кенгаши сессиясига долзарб ёки ечимини топмаётган масалалар партия депутатлик гуруҳи ёки доимий комиссиялар томонидан муайян масала ўрганиб, олиб чиқилади. Бу борада халқ депутатлари вилоят Кенгашида ўзим раҳбарлик қилаётган аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссия томонидан сессияга долзарб ёки ечимини топмаётган масалаларни киритиб, улар юзасидан муайян натижаларга эришилмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли мурожаатларини тинглаш ва уни ижобий ҳал қилиш борасида туманлар ва шаҳар маҳаллаларида мунтазам амалий ишлар ва акциялар ташкил этиб борилмоқда.

**Ё.ГАДОЕВ тайёрлади.**

# Партиялар имзо йиғяпти

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

– Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойи ва қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилмоқда, - дейди Экологик партия вилоят кенгаши ходими Ўлмас Очилов. – Кечаги кун якуни билан тўплаган имзоларимиз сони 15 мингдан ошди. Бугун-эрта жараённи якунлаш ва 22 мингга яқин имзо тўплаш кўзда тутиляпти.

- Сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизининг имзоси бўлиши керак, - дейди ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Хўжамқулов. - Шундан келиб чиқиб, вилоятда 24 мингга яқин имзо тўплашни режалаштирганмиз. Айни пайтгача 15650 та имзо йиғилган бўлса, ҳужжатларни 26 августгача Марказий кенгашга топширамиз, деган умиддамиз.

- Вилоятда партиямиз томонидан 790 та имзо варақаси тўлдирилиши ҳамда 23 минг 700 нафар сайловчининг имзолари йиғилиши керак, - дейди ХДП вилоят кенгаши раиси Бадриддин Насриев. – Биласиз, бугун одамларимизнинг сиёсий онги, муҳими, сиёсий фаоллиги олдингидан анча ошган. Бу ҳолат имзо тўплаш жараёни жадал суръатларда, талаб даражасида ўтказилишига хизмат қилмоқда.

"Миллий тикланиш" демократик партияси ахборот хизматининг маълум қилишича, 23100 нафар сайловчининг имзосини тўплаш режалаштирилган. Шу кунгача 9 мингдан зиёдроқ ёки режадаги 40 фоизга яқин имзо йиғилган.

"Адолат" СДП вилоят кенгашидан олинган маълумотга кўра, улар 22 мингдан зиёд сайловчининг овозини тўплаб бўлган. Бу борада зарур ҳужжатлар тўпланиб, партиянинг марказий кенгашига юборилган.

Амалдаги тартибга кўра, сайловчилар битта ёки бир нечта номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг ёки ID-картасининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйилган санани кўрсатади.

Эслатиб ўтамиз, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кунлик муддатда текширилади. МСК текширув ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сиёсий партияларни олдиндан хабардор қилади. Негаки, бу жараёнда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этади.

**Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.**

Истиқбол

# Самарқандда стартап лойиҳалар борми?

**Муайян масала ечими юзасидан таклиф, ташаббус кўпчиликда бўлиши мумкин. Бироқ амалга оширишга келганда, уни асослантириш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Агар асослантирилган тақдирда ҳам навбатдаги муаммо – молиялаштириш масаласини барча ташаббускорлар, таклиф берувчилар ҳал қилолмайди.**

Шу боис, кейинги пайтларда юртимизда ёшлар тадбиркорлиги, хусусан, стартап лойиҳаларни бюджет маблағларидан молиятиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, жорий йил март ойида 22 та лойиҳа акселлераторга сараланиб олинди. Шунингдек, Каттақўрғон туманида япон услубидаги IT академиясини ташкил этиш, PayFly.uz – авиабилетлар, саёҳат турпакетлари ва сайёҳлик суғурталарини бронлаш платформасини ривожлантириш ҳамда DietCake – қандли диабет билан оғриган беморлар ва спортчилар учун қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари 272 миллион сўмга молиялаштирилди.

### МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЛОЙИҲАЛАР БОР

Ҳудудда мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тайёр илмий ишланмалар ва янги буюртмалар бўйича илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тайёр илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ҳамда тадқиқот ишларини бажариш тўғрисида» 3 та лойиҳани амалга ошириш бўйича шартномалар имзоланган. Шу асосда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти томонидан 150 миллион сўм маблағ асосида "E-ziyorattourism in Samarkand" онлайн платформаси яратилмоқда.

Бундан ташқари, Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан маҳаллий бюджетдан ажратилган 56 миллион сўмга «Аудио эртаклар» лойиҳаси амалга ошириляпти. «Ипак йўли» туризм халқаро университетида яратилаётган Самарқанд шаҳридаги зиёрат туризми объектларининг геолокациялари асосида интернет хариталарини янгилаш ва туристик маршрутларни дифференциаллаш лойиҳасига 40 миллион сўм маблағ тақдим қилинди.

Аслида вилоятимизда яна ўнлаб лойиҳалар захирага олинган. Улар амалиётга татбиқ қилишга тайёр бўлиши билан маҳаллий бюжетдан молиялаштирилади.

### УРГУТ ИННОВАЦИОН ҲУДУД БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 15-16 апрель кунлари Самарқандга ташрифи давомида вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Ургут туманини инновацион ҳудудга айлантириш юзасидан топшириқлар ва вазифалар белгилаб берганди. Ушбу вазифалар ижроси юзасидан вилоят маҳаллий бюжетининг қарийб 2,5 миллиард сўм маблағи эвазига турли инновацион лойиҳалар ва стартаплар амалиётга жорий қилинмоқда.

Хусусан, Ургут туманида сунъий йўлдош технологияси ёрдамида ер ости сув қувурларидаги кўринмас носозликларни аниқлаш ва ер ости инфратузилма объектларини (сув, газ, канализация қувурлари, телекоммуникация ва электр тармоқлари) хариталаш лойиҳаси учун 1 миллиард сўм ажратилган. Лойиҳа доирасида "Maya International Infrastructures" МЧЖ томонидан Ургутда тегишли ишлар бошланган.

Ҳозирги кунда кўзи ожизларга қулайлик яратувчи маҳсулотларнинг аксарияти фақат хориждан - импорт эвазига келтирилади. Шу боис Ургут туманида бу борадаги лойиҳа учун 520 миллион сўм миқдоридаги маблағ ажратилган. Лойиҳа доирасида "Yusupov Lazizbek" корхонаси томонидан кўзи ожизлар учун брайл дисплей, брайл клавиатура ҳамда смарт ҳасса ишлаб чиқарилиши йўлга қўйиляпти.

Ҳозирги кунда «Узтелеком»АЖ томонидан Ургут туманининг 16 та ҳудудидаги аҳоли гавжум нуқталар ҳамда туристик объектларда Wi-Fi зоналари ташкил қилиняпти. Қиймати 1 миллиард сўм бўлган лойиҳа тўлиқ якунлангач, юқорида қайд этилган ҳудудларда аҳоли ҳамда сайёҳлар интернетга бепул уланиши мумкин бўлади.

### ИМКОН БОР, РЕЖАЛАР КАТТА

Жорий йилнинг 21-24 июнь кунлари вилоятнинг барча олий таълим муассасаларида "Youth Startups Week – 2021" талабалар ва ёш олимлар стартапларини қўллаб-қувватлаш ҳафталиги ташкил қилинди. Унда олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари, ёш олимлари ҳамда магистрлар билан интерфаол учрашувлар ўтказилди.

26 июнь куни «Самарқанд вилоятида ёшларнинг инновацион ғоялари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш дастури»нинг 2-тўлқини саралаш интервьюлари бўлиб ўтди. Дастлабки тўлқинда 25 та лойиҳадан 3 таси 271 миллион сўм маблағ билан молиялаштирилган эди. Ушбу тўлқинда эса 23 та лойиҳа саралаб олинди.

Бугунги кунда вилоят стартап экомуҳитини ташкил қилиш, уни ривожлантириш ва тизимли ишлашини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги қошида доимий кенгаш фаолияти йўлга қўйилган. Кенгаш ҳар ойда камида бир маротаба брифинглар ташкил қилади.

Умуман, турли лойиҳалар ва стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Асосий мақсад яқин кунларда Самарқанд вилоятини стартап лойиҳалар учун қулай ҳудудга айлантиришдан иборат.

**Абдулазиз СУЯРОВ,**
**вилоят ҳудудий инновацион ривожланиш бошқармасининг матбуот бўйича масъул ходими.**

«« Халқаро ҳаёт »»

**Афғонистондаги кейинги воқеалар яна дунё афкор оммаси диққатини ўзига тортяпти. Нега десангиз, у ердаги 50 йиллик низо ва можаролар қайтадан тобора кучли аланга олди. Ҳали шўро армияси босқини davrидаёқ, ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШ кўмагида шакллантирилган толибон XXI асрнинг 21-йилида америкаликларнинг ўзини мамлакатдан қувиб чиқарди. Нима, бу тарихнинг аччиқ ҳазилими? Биз ушбу мақолада Афғонистондаги сўнгги воқеаларни таҳлил назаридан ўтказишга ҳаракат қилдик.**




# Дунёлар туташган жойда

### ИНҚИЛОБЛАР ЎЛКАСИ

Узоқ вақт Буюк Британия ва Россия империялари орасида тортишувларга сабаб бўлиб келган бу ўлка 1919 йил 19 августда ниҳоят, Омонуллахон бошчилигида Афғонистон амирлиги номи билан ўз мустақиллигини эълон қилди. Янги пайдо бўлган мамлакатни шўро Россияси биринчилардан бўлиб тан олди. 1929 йилда амирлик тузуми бекор қилиниб, Муҳаммад Нодиршоҳ томонидан Афғонистон подшолиги барпо этилди. Нодиршоҳ вафотидан сўнг ўғли Муҳаммад Зоҳиршоҳ тахтга ўтирди. У 1973 йилда амакиваччаси Муҳаммад Довуд томонидан тахтдан туширилди. Ўша йили Афғонистонда давлат тўнтариши содир этилиб, мамлакат республика деб эълон қилинди. Ички зиддият ва қабилалараро низоларни ҳисобга олмаганда, инглиз мустамлакалари билан Эрон, СССР ҳамда Хитой ўртасида буфер ҳудуд сифатида Афғонистонда ўтган асрнинг 70-йилларигача нисбатан барқарорлик устувор эди. Шу даврга келиб мамлакатда ижтимоий-сиёсий беқарорлик юзага кела бошлади. Чунки Афғонистоннинг дунё тараққиётидан, ҳатто теварак-атрофдаги мамлакатлардан ҳар жиҳатдан орқада қолиб кетаётганлиги мамлакат сиёсий элитаси ва зиёлиларини чуқур ташвишлантирмоқда эди. Гарчанд, президент Муҳаммад Довуд ҳукмронлик даврида мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳотлар ўтказиш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, охир-оқибат ушбу уринишлар қолоқлик натижасида кутилган самараларни бермади ва мамлакат чуқур иқтисодий, алалоқибат, сиёсий зиддиятлар исканжасига тушиб қолди.

1978 йил апрель ойида мамлакатда инқилоб бошланди. Президент Муҳаммад Довуд оиласи билан бирга қатл этилиб, ҳокимият коммунистик йўналишдаги Афғонистон халқ-демократик партияси қўлига ўтди. Ҳокимият тепасига Нур Муҳаммад Таракий (Тараққий) келди. Инқилоб кенгаши раиси этиб Ҳафизулло Амин тайинланди. Ҳукумат шўро тутуми асосидаги радикал ислоҳотларни амалга ошира бориб, оқибатда афғон жамиятида катта норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Натижада мамлакатда фуқаролик уруши бошланиб кетди. Бундай бошбошдоқликдан фойдаланган Ҳафизулло Амин рақиби Нур Муҳаммад Таракийни яширинча қатл этиб ҳокимият тепасига чиқди. Воқеаларнинг бундай тескари тус олишидан ташвишга тушган собиқ коммунистик СССР раҳбарлари гўё америкапараст аксилинқилобий Амин ҳокимиятини бартараф этиш баҳонаси билан Афғонистонга совет армияси чекланган қўшинлар контингентини киритишди. 1979 йил 29 декабрда шўро ҳарбийлари томонидан президент саройи ишғол этилиб, Ҳафизулло Амин ўлдирилди ва ҳокимият тепасига Москва томонидан тайёрланган Бабрак Кармал чиқарилди.

Афғонистонда амалга оширилган "Апрель инқилоби" ҳақида гап кетар экан, ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолат ёдимга тушади. 1979 ёки, 80-йиллар эди. Тошкентда ўқиётган Сарафроз исмли афғон йигити билан танишиб қолдим. Ўқиш жойимиз яқин бўлганлиги боис тез-тез кўришиб, суҳбатлашиб турардик. Бир гал у яп-янги костюм-шим кийиб келди. Табиий мен унга "муборак шавад", деб либосини мақтаган бўлдим. Сарафроз бунақа арзон кийимларни Афғонистонда хизматкорлар кийишини айтганида ҳайрон қолдим. Бундан ҳам кўра мен унинг димоғи баландлигидан ҳайратландим. Яна бир куни уни Чорсу бозорида ўша даврда йигитлар ўртасида мода бўлган "Фекон" кўйлагини сотиб турганида кўриб қолдим. Кейин билсам, у жинси шим ва кўйлакларни Афғонистондан олиб келиб, қимматига сотар экан. Шундан билдимки, Сарафрозни билим олишдан кўра, кўпроқ пул ишлаш қизиқтираркан. Шу воқеа боис, ўша пайтдаёқ менда Афғонистонда содир бўлган инқилобга нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Ёшларни билим олиб, ҳунар ўрганиб, инқилобни ҳимоя қилиш бу ёқда қолиб, пул топишга киришиб кетганлари яхши аломат эмасди. Ахир, ҳукумат уларни етук мутахассис бўлиб ватанга қайтишларини кўзлаб, чет элларга ўқишга жўнатган эди-да. Шу маънода, толибон зиёфат уюштирган маршал Дўстумнинг муҳташам саройини кўриб, бундай дабдабага пул сарфлагандан кўра, халқини ҳимоя қилишга тайёрланса бўлмасмиди, деган ўй кечади киши кўнглида.

Бундан кейинги воқеалар ҳаммамизга маълум. Коммунистик ғояларнинг инқирози афғон жамиятида ҳам ўз акс-садосини берди. Марксча-Ленинча кайфиятдаги элита ўз ўрнини нисбатан мўътадил йўналишдаги сиёсий кучларга бўшатиб берди. 1986 йил 4 май куни бўлиб ўтган партия пленумида Баббрак Кармал соғлиғи ёмонлашгани баҳона қилиниб вазифасидан озод этилди. 1 октябрдан бошлаб Муҳаммад Нажибулло инқилоб кенгашининг янги раиси бўлди. 30 ноябрда Афғонистон парламенти уни мамлакат президентлигига сайлади. 1989 йил совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан кейин ҳам уч йил давомида Нажибулло лавозимини сақлаб турди. Шўро армиясининг Афғонистондан олиб чиқилиши мамлакатга тинчлик келтирмади. Аксинча, беқарорлик янада кучайди ва у ердаги турли миллатларга мансуб сиёсий кучлар бир-бири билан зиддиятга киришди. Афғонистоннинг катта қисмини эгаллаб олган толиблар 1996 йилда Нажибуллони қатл этишди ва шу билан мамлакатда президент бошқарувига барҳам берилди.

### ЭНДИ НИМА БЎЛАДИ?

2001 йил АҚШда машъум террорчилик ҳаракати содир этилгач, унинг ташаббускори Усома бен Ладин толибон қўлостидаги Афғонистонга қочиб яширинди. Бу эса Америка бошчилигидаги коалиция кучларини толибонга қарши отлантирди. Толибоннинг Афғонистондаги ҳукмронлигига барҳам берилиб, у ерда теократик йўналишдаги Ислом Республикаси барпо этилди ва АҚШ ҳамда бошқа Европа давлатлари кўмаги билан шу йилнинг 15 августигача фаолият кўрсатди. Толибон ҳаракати олдиндан имзоланган келишувларга қарамасдан, қисқа муддат ичида мамлакатнинг деярли барча ҳудудларини ўз назоратига олди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нега Америкадек қудратли давлат ортида турган бўлса-да, республика қулади? Бизнинг фикримизча, кейинги 20 йиллик давр ичида у ерда тўлиқ давлатчилик шаклланмади. Хориждан берилган ёрдам ва маблағлар талон-торож қилиниб, ўринли фойдаланилмади. Саноат у ёқда турсин, аграр соҳада ҳам ривожланиш бўлмади. Мамлакат наркотик экинларнинг катта плантациясига айланди. Асосийси, афғонистонликларда замонавий дунёвий демократик давлат қуришга иштиёқ, билим ва салоҳият етишмади.

Мамлакатда ҳокимият тепасига толибон келгач, энди оқибати нима бўлиши, табиийки, кўпчиликни қизиқтиради. Бунда бир неча вариантларни кўриш мумкин. Биринчиси, Афғонистон ташқи дунёдан иҳоталаниб, яна ўрта асрлардаги бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатларга қайтади. Ахборот алмашинуви ниҳоятда кучайган бугунги глобаллашув давр эътиборга олинса, бунинг сира иложи йўқ. Иккинчиси, толибон анъанавий тутумларининг бир қисмидан воз кечиб, дунё ҳамжамияти билан муросага киришиб фаолият кўрсатса, яна бирмунча муддат даврु даврон суриши мумкин. Чунки давлат ҳокимиятини эгаллашдан кўра уни бошқариш мушкулроқ иш. Бу борада большевикларнинг аччиқ тарихий тажрибасини эсласак, масала ойдинлашади.

Энди газетхонларимизни Афғонистонда толибоннинг ҳокимият тепасига келиши ён-атрофдаги қўшни мамлакатларга қандай таъсир кўрсатади, деган савол қизиқтириши табиий. Бунда ҳам икки ҳолат кузатилади. Агар толиблар ўзлари ваъда қилишаётганидек, фақат Афғонистон ҳудуди билан чекланиб, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва ўз ғояларини теварак-атрофга ёймаслик тутумидан четга чиқмаса, уларнинг қўшнилар учун ҳеч қандай хавотирли жойи йўқ. Мабодо, Ал-қоида ёки ИШИДчиларга ўхшаб халқаро доирага чиқишса, бундан ҳеч қандай яхшилик келиб чиқмайди. Ҳар ҳолда, улар халқаро террорчилик ташкилотларнинг хатосини такрорламаслигига умид қилиб қоламиз.

**Худойберди КОМИЛОВ,**
**"Зарафшон"нинг сиёсий шарҳловчиси.**

«« Тарих ҳақиқати »»

# Эгасиз қаҳрамон ҳаммага керак

## Ёхуд Ялангтўш Баҳодир ва Жалантос Батур бошқа-бошқа шахслар эканлиги ҳақида

**Қозоғистонда айрим бовурлар Самарқанд ҳукмдори, Регистон ижодкори, ўзбекларнинг олчин уруғи вакили бўлган Ялангтўш Баҳодирни аллаким, Жалантос Батур Сейиткулулу деган кимса билан бир билиб, кўплаб хато ва чалкашликларга йўл қўйишаётир. Ачинарлиси шундаки, бу адашишларга ҳатто тарихчиларимиз ҳам ўз муносабатларини билдирмай, масалага аниқ-тиниқ баҳо беришдан тийилиб турибди! Бунинг натижасида қўшниларимиз қозоғистонлик бўлган Жалантос Сейиткулулу деган кимсани Самарқанднинг XVII асрдаги донгли беки Ялангтўш Баҳодирбий деб билиб, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам чалғитиб келишмоқда. Регистоннинг асосчиси қозоғистонлик бўлган, деган ёлғон даъвони зўр бериб тарғиб қилишмоқда. Бу ясама, қўшма образга атаб Қозоғистоннинг бир қатор шаҳарлари, жумладан, Олмаота, Семипалатинск, Павлодар, Қизил Ўрда қалъаларида ҳайкаллар тикланмоқда, шаҳарларининг марказий кўчалари унинг номи билан аталиб келинмоқда.**

Икки бегона шахсни бир одам деб келаётган бундай даъво қачон ва ким томонидан яратилди?

2018 йили Қозоғистонга Жалантос Батур билан боғлиқ халқаро конференцияга борганимда бу масалани ўрганишга ҳаракат қилдим ва қуйидаги маълумотларга эга бўлдим: 1920 йили Тошкентда Туркистон Республикаси халқ маорифи комиссарлиги аъзоси, сўнгра раиси бўлиб ишлаб турган қозоқ ҳарбий врачи Ҳалел Дўсмуҳаммедов (1883-1939) Қизил Ўрдада яшаган Жалантос Сейиткулулу деган кимса билан Самарқанд ҳукмдори, Регистон асосчиси бўлган Ялангтўшбий Баҳодир Олчинни бирлаштиришга ҳаракат қилган ва биз юқорида тилга олган чалкашликнинг юзага келишига сабабчи бўлган.

Ўрганишларимиз натижасида Жалантос Батур Сейиткулулу Алимулла уруғининг Тўртқара бўғинига тегишли ва дашти қипчоқ кўчманчиларининг машҳур қонунлар йиғиндиси "Етти Йўриқ" ("Жеты Жаргы") қоидалар тўпламининг муаллифларидан бири бўлган Айтике Бий деганнинг бобоси экан. Бу Жалантоснинг отаси Сейиткул деган кимса бўлиб, у Қизил Ўрда вилояти Казалин туманининг обрўли қозиси бўлганлиги ва ҳозирда Қозоғистоннинг мазкур вилоятида Жалантоснинг кўплаб авлодлари яшаб келаётганлигини аниқладик. Бу шахснинг Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир билан қандай умумий томонлари бор, деган саволга ҳеч иккиланмай, ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ, деб бемалол айтамиз ва буни қуйидагича асослаймиз:

Биринчидан, Ялангтўш Баҳодир Алимулла уруғининг Тўртқара бўғинига эмас, балки ўзбекларнинг олчин уруғига тегишли ҳукмдор бўлган. Олчин уруғи мустақил уруғ бўлиб, унинг қозоқларнинг Алимулла ёки Тўртқара уруғи билан боғлиқлик жойи йўқ. Ялангтўш ўн етти ёшида (1593 йил) ўзи мансуб бўлган олчин уруғи бийи этиб тайинланган.

Иккинчидан, барча тарихий ва фиқҳга оид манбаларда Ялангтўшбий Баҳодирнинг отаси Бойхўжа номи билан келтирилади. Бойхўжа Жалантоснинг отаси Сейткул каби Қизил Ўрданинг обрўли қозиларидан бири эмас, балки Бухородаги шайбонийхоннинг ҳукмдор авлодлари доирасидаги юқори мартабали амалдорларидан бири бўлган. Айнан шу сабабли Ялангтўш шу ҳукмрон сулола таъсиридаги муҳитда улғайган.

Учинчидан, гарчанд ҳукмдор ўзбекча Ялангтўш Баҳодир номи билан машҳур бўлган эрса-да, расмий манбаларда унинг Абдулкарим ва Низомуддин деган арабча номлари ҳам бўлганлиги келтирилади. Бундай номлар Жалантос Батур Сейиткулулу билан боғлиқ ҳеч қайси манбада, ҳатто қозоқ ботири билан боғлиқ кунора ўйлаб топилаётган янги ривоятларда ҳам маълумот йўқ.

Тўртинчидан, Ялангтўш Баҳодирхоннинг уч фарзанди – Иқлимабону ва Ойбиби исмли қизлари ва отасидан 6-7 йил илгари вафот этган Бойбек исмли ўғли бўлган Бойбекдан ҳеч қандай фарзанд қолмаганлиги маълум. Жалантос Батур Сейиткулулунинг Қозоғистонда кўплаб авлодлари бор.

Бешинчидан, яссавий тариқатига амал қилган Дашти қипчоқ қозоқларидан фарқли ўлароқ Ялангтўшбий Нақшбандия тариқати вакили бўлган. Кейинчалик ҳам нақшбандия тариқати шайхларининг фаол қўллашлари натижасида Ялангтўш Баҳодир муваффақиятли тарзда Самарқанд вилоятини бошқарган.

Олтинчидан, ўзбек хукмдорлари орасида ҳеч ким Ялангтўшбий Баҳодир сингари қозоқ ҳукмдорларига қарши кўплаб ва муваффақиятли курашлар олиб бормаган ва айнан шу хизматлари учун тарихда ном қолдирмаган. Шарқшунос Роберт Макчеснинг фикрига кўра айнан қозоқларга қарши олиб борган зафарли курашлари шарафига унинг обрўйи кўтарилган ва шунинг эвазига Имомқулихоннинг Самарқанддаги ноиби этиб тайинланган. Бу урушлардаги маҳорати сабабли Ялангтўш Баҳодир Бухоро хонининг энг машҳур 38 ўзбек амири рўйхатидан ўрин олган.

**Ялангтўш Баҳодирнинг қозоқ хонларига қарши олиб борган ғолибона кураши хронологияси қуйидаги кўринишга эга:**

1609 йили Ялангтўш Баҳодир Самарқандга бостириб келган қозоқ хони Абулини қувиб, Дашти қипчоққа довур ҳайдаб юборади.

1612 йилда Тошкент ва Туркистонни қозоқ бийларидан қайтариб олгани учун Балх амири унвонига сазовор бўлади.

1612 йили қозоқ хони Есимхонни Тошкентдан қувиб юборади.

1621 йили Туркистонга бостириб келган қозоқлар етакчиси Турсун Султон қўшинини хонлик ҳудудидан ҳайдаб чиқаради.

1628 йили қозоқ хони Абули Султон қўшинини енгиб, уни Қашғаргача «кузатиб» қўйди.

1636 йили Ялангтўш Баҳодирхон Сайрамга, қозоқ хонларига қарши қўшин тортади ва уларни Дашти Қипчоққа қадар улоқтиради.

Табиийки, Ялангтўш Баҳодир агар қозоқ ботири Жалантос Батур Сейиткулулу бўлганда эди ҳеч қачон қозоқлар билан ҳудуд талашиб, уларни доимий равишда Дашти Қипчоқ тарафларга қувмаган бўлур эди.

**Ялангтўш Баҳодир ҳақидаги манбаларда унинг фақат ўзбек эканлигига урғу беришган!**

А.П.Хорошхин: Тиллакори билан Шердор бундан 200 йил олдин Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий ёки Ялангтўш Баҳодир томонидан Форсдаги Машҳад шаҳри эгаллanganлигидан келган пул ва бойликлар ҳисобига қурилган. **Ялангтўш асли ўзбекларнинг олчин бўғинидан бўлган** (Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся Туркестанского края А. П. Хорошхина.. — С.Петербургъ., 1876.).

Д.И.ЭВАРНИЦКИЙ: Тиллакори мадрасаси ўзбекларнинг Олчин уруғидан бўлган Ялангтўш Баҳодир томонидан насроний тақвимига кўра, 1618 йили қурилган. Шердор мадрасаси 1616 йили қурилган, Абу Тоҳирхожанинг келтиришича, ўзбекларнинг Олчин уруғидан бўлган, юқорида Ялангтўш Баҳодир деб аталган бу бино Регистонда турган учала мадрасадан ҳам энг улуғвори саналади (Д.И.Эварницкій. Путеводитель по Средней Азіи. Отъ Баку до Ташкента.. — Ташкент., 1893. — С. 73-77).

Лекин бугун айрим қардошларимиз ушбу улуғ ўзбек саркардасини худдики генерал Собир Раҳимов сингари қозоқ миллатига мансуб деб тарихий ҳақиқатни бузаётганларига муносиб жавоб қайтаришимиз зарур. Бунда ҳаракатсиз бўлиб турган тарихчиларимизни уйғотишимиз ва қадимги манбалардаги маълумотлар билан бир ёқлама қарашларга қарши бўлишимиз даркор! Ўзбек зиёлиси шундай вазиятларда халқнинг корига ярамайдими?

Қардошларимизнинг талашиб, тўғри-нотўғри тарзда бўлса-да, ўз тарихини яратишга бўлган интилишларида албатта, тарихчиларимизнинг ҳам «ҳисса»си бор. Биз улуғ аждодларимизни қадрлай олмаганлигимиз, улар ҳақида сўз айтишга қўрқадиган бўлиб қолганимиздан кейин қўшниларимиз нима қилсин?

Қозоқ бовурларимиз биринчи бўлиб Ялангтўш Баҳодирнинг ҳурматига қатор ҳайкаллар тиклаб қўйишди. Биз қачонгача ва кимдан қўрқиб, Амир Темурдан кейин ватанимиз учун энг кўп хизмати теккан ватандошимизга ҳайкал тиклашга ботинолмай ўтираверамиз?

Туркистон ҳудудини қозоқ ҳукмдорларидан, Дашти қипчоқ ерларини эса жунғорлар босқинидан асраб қолган, Самарқандда ер юзининг сайқали бўлмиш нодир тарихий ёдгорлик – Регистон мажмуасини тиклаган ва бугунгача дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган мадрасалар асосчиси Ялангтўшбий Баҳодирхон шахсиятига алоҳида ҳурмат билан эътибор қаратиш вақти келди.

**Эркин МУСУРМОНОВ,**
**филология фанлари доктори.**

# USAID – ижтимоий соҳада ўзаро муносабатларни фаоллаштирувчи ҳамкор

**Дунёнинг етакчи давлатларидан бири бўлган АҚШ 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини расман тан олди ва 1992 йил 19 февралда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки давлат бугунгача турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб келмоқда. Савдо-иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда ўзаро муносабатларни фаоллаштиришда АҚШнинг бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ўз дастурлари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Шундай ташкилотлардан бири АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)дир.**

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги 1961 йил 3 ноябрда АҚШ Президенти Жон Кеннеди ташаббуси билан ташкил этилган ва унинг фаолият йўналиши инсоннинг асосий эҳтиёжлари бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистонда мазкур ташкилот ўз фаолиятини 1994 йил 15 мартдан бошлаган ва унинг Тошкентда доимий ваколатхонаси очилган.

Ўтган йиллар давомида USAIDнинг мамлакатимизда амалга оширган ва ошираётган дастурлари орасида соғлиқни сақлаш тизимига кўмаклашишга қаратилган лойиҳалари алоҳида аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш тизимига кўмаклашишни кўзда тутувчи дастурлар асосан юқумли касалликлар (ОИТС, сил касаллиги), гиёҳвандлик ва репродуктив саломатлик билан боғлиқ.

USAIDнинг "Миллий сил касаллиги дастури" билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган дастурлари бу борадаги хизматлар, ташхис қўйиш ва клиник йўриқномалар, сил/ОИВ қўшма инфекциясининг олдини олиш ва назорат қилишни такомиллаштирди.

2015 йилдан USAID Ўзбекистонда силга қарши курашиш ишига 14 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратди. Ушбу молиялаштириш натижасида Андижон, Бухоро, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ташхис қўйиш, касалликни даволаш ва беморларни парваришлашга оид мавжуд имкониятлар кенгайди. Яъни, 5 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари махсус ўқув-машғулотларда малака оширди, 40 та лабораториянинг силни текширишга оид халқаро стандартлар бўйича салоҳияти оширилди, юзлаб беморлар узоқ ва мураккаб даволаниш курсини ўтади.

Сўнгги икки йилда USAID коронавирусга қарши курашда ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг май ойида COVID-19 пандемиясига қарши кураш бўйича комплекс чора-тадбирлар доирасида АҚШ ҳукумати ташкилот орқали 5,92 миллион доллар ажратди. Бугунги кунда ҳам агентлик кенг кўламли тест ўтказиш учун лаборатория тизимларини тайёрлаш ҳамда вирус юқтириб олган беморларнинг ҳолатини яхшилашга ёрдам бермоқда.

2020 йил октябрда Халқаро тараққиёт агентлиги Ўзбекистонга COVID-19 га қарши курашиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун 2,23 миллион долларлик тиббий жиҳозлар етказиб берди.

**Илғор РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик маркази мустақил тадқиқотчиси.**

# Сўзни, унинг жозибасини қадрлайдиган журналист эди

**Журналист, деганда ҳар бир инсон, ҳар қайси касб эгаси билан унинг ички дунёсини англаб, қувонч ва ташвишларини сезиб, қалбан суҳбатлаша оладиган иқтидор эгаси, қолаверса, сўз қудрати ва жозибасини ифода эта оладиган зиёлини тушунамиз. Мана шундай журналистлардан бири Лутфулла Мамасолиев эди.**

Л.Мамасолиев 1951 йил 24 август куни Пайариқ туманининг Накурт қишлоғида таваллуд топди. Аввал ёш Лутфулла сўлим ва жаннатмакон қишлоғидаги тўлиқсиз мактабнинг саккизинчи синфини битирди.

Кейинчалик Фориш туманидаги Гараша қишлоғи ўрта мактабида таҳсилини давом эттирди. 1950-1970 йилларда бу қишлоқ мактаби юртимизда довруғ қозонган илм маскани ҳисобланарди. Лутфулла Мамасолиев Худоёр Холхўжаев, Эргаш Сулаймонов, Эсон Лутфуллаев, Саъдулла Ҳакимов, Азим Суюнов, Шакарбой Исроилов, Абдуғани Қулмирзаев, Жўрабой Ибодов, Ўролбой Мавлонов, Шодиёр Соннибоев, Самад Баёнов сингари ёшлар қатори чуқур билим олиб, келажагига замин тайёрлади.

Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Лутфулла 1968 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлади. 1973 йилдан Самарқанд қишлоқ хўжалик институти газетаси муҳаррири вазифасида иш фаолиятини бошлади. Кейинчалик институтнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси сифатида меҳнат қилди.

1992-2002 йилларда «Ўзбекистон овози» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича махсус мухбири бўлиб ишлаган даврида Л.Мамасолиевнинг ижоди жўшди, газета саҳифаларида унинг мулоҳазали танқидий мақолалари мунтазам ёритилди. У ёзган ҳар бир мақола газетхонлар томонидан севилиб ўқиларди.

2006 йилдан Лутфулла бор билими ва иқтидорини жамоат ишларига бағишлади. Дастлаб "Фидокорлар" миллий-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши биринчи котиби, 2008-2010 йилларда «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят бўлими ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Партиянинг ҳар бир тадбирини уюшқоқлик билан ўтказар, учрашув ва суҳбатларнинг мазмун-моҳиятини матбуотда мунтазам ўзи ёритиб борарди. Ҳужжатлар билан ишлаш, депутатлар фаолиятини жонлантириш ишларида ҳамкасбларига ибрат бўларди.



Куюнчак депутат, фидойи журналист сифатида ҳар доим давраларда «Ватан, халқ учун, келажак авлод тақдири учун ишлаш, қалам тебратиш керак», дея тўлқинланиб гапирарди. У одамларнинг далли-ғулли, ҳақиқатни ёқтирадиган, бировнинг камчилигини рўй-рост айтадиган, ёлғон ва сохтакорликка тоқат қилолмайдиган тоифасидан эди. Илм-маърифатли, ҳалол, одобли инсонларни яхши кўрарди ва уларга дўст тутинарди.

Турмуш ўртоғи Моҳирахон билан 6 фарзандни вояга етказди, уларни ўқимишли, маърифатли қилиб тарбиялади. Улар бугун юртимизга ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Беназир дўстимиз ҳаёт бўлганида ўзининг 70 ёшини қаршилаган бўларди. Бугун дўстлар, оғайни-қариндошлар ажойиб журналист, жамоат ишлари фаоли Лутфулла Мамасолиевнинг ибратли ишлари, яхшиликларини эслаймиз, унинг руҳи олдида таъзимдамиз.

**Ўктам ҚАРШИЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**2017 йил, июль**

Самарқанд шаҳрида «Samarkand Apparel» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона флис матоси (иссиқ кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган полиэстер синтетик трикотаж газлама)дан спорт ва уст кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни бошлади.

**август**

28 август куни Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" XI халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 58 давлатидан санъаткорлар келди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

**сентябрь**

2 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг ҳайкали очилди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

4 сентябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Аъзамхон Бахромов Қўшработ тумани ҳокими этиб тайинланди.

25 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати раиси Қасим-Жомарт Токаев бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

**октябрь**

17 октябрь куни Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодиров Самарқандда бўлди.

20 октябрь куни Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Аллоҳшукур Пошшозода бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

26 октябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг 12-йиғилиши иштирокчилари Самарқандда бўлди.

**ноябрь**

9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва дастурлар билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида Самарқандга келди.

**декабрь**

Самарқанд шаҳрида 405 хонадонга мўлжалланган тўққизта арзон ва сифатли кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

««« Мулоҳаза учун мавзу »»»

## Анъанани тикласа бўлмасмикан?

Ёши улуғларнинг эсида. Ўтган асрнинг 80-йиллари ҳар йили 20 августдан 1 сентябргача вилоятимизда "Самарқанд ерининг саховати" қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси ўтказилар, баъзан бу ўзига хос байрам қишгача давом этарди. Шаҳар марказидаги хиёбон, Микрорайон, Темирйўл вокзали, Сиёб бозори байрамона қиёфа касб этиб, миришкор боғбону деҳқонларимиз етиштирган жаннати ноз-неъматлар билан тўларди. Кечқурун туманлардан келган ярмарка иштирокчилари, илғорлар билан учрашувлар, концертлар бозорларни чинакам сайилгоҳга айлантириб юборарди. Ярмаркани томоша қилишга чиққан шаҳарликлар нафақат кўргазмада намойиш этилган маҳсулотлардан баҳра олар, балки арзон мева-сабзавотларни қишга ғамлаб ҳам олишар, чинакам жаннати ноз-неъмат етиштирган миришкорларга тасанно айтишарди. Файзу-тароват одамларга кўтаринки кайфият бағишларди.

Афсуски, кейинчалик бу яхши анъана унутилиб кетди. Мана, айни ёз – пишиқчилик пайти. Президентимизнинг деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, томорқа ер эгаларининг ердан унумли фойдаланишлари учун шарт-шароит яратиб бериш тўғрисидаги қарорлари туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нафақат кўпайди, балки уларни қайта ишлаш, экспорт қилиш салоҳияти ошди. Бозорларимиз тўкин-сочин, у ердаги анвойи ноз-неъматларни кўриб кўзингиз қувнайди, турмушимиз фаровон.

"Самарқанд ерининг саховати" қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасини тиклаш, нафақат боғбону миришкор деҳқонлар, фермерлар, томорқачи тадбиркорлар, халқимиз қалбида она заминимиз, мустақил ватанимиздан фахрланиш туйғуларини уйғотган бўларди, албатта.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ**

## Таранглашган вазият ва мулойимлашган одамлар

**Маълумотларга кўра, коронавирусга чалинганлар сони дунё бўйича 188 миллиондан, вафот этганлар 4 миллиондан ошди. Бир кунда қарийб 200 минг киши инфекция юқтиряпти.**

Шу кунларда юртимизда ҳам инфекция жуда тез тарқалмоқда. Шу сабабли барча чоралар билан бир қаторда энг самарали тадбирлардан бири бўлган эмлаш ишларини мумкин қадар тезлаштириш ва жадаллаштириш лозим. Зеро, эмлаш касалликнинг енгил кечиши ва жамоавий иммунитет ҳосил қилишга ёрдам беришини мутахассислар алоҳида таъкидламоқда. Аммо шу кунларда бошқа бир нарса эътиборимни тортган. Одамлар бир-бирига аввалгидан мулойимроқ, хушмуомалароқ бўлиб қолган.

"Каттамиз" шу кунларда ўта ҳалим ва самимий, - дейди доим бошлиғининг характеридан нолиб юрадиган бир ўртоғим. – Илгаригидан фарқли равишда ҳозир йиғилишларда мутлақо столни муштламаяпти. Ходимларга топшириқларни ҳам ширинсуханлик билан тушунтиряпти.

Яқинда шунга ўхшаш ҳолатга ўзим дуч келдим. Қачон қараса, топшириқлар кўплигидан нолиб юрадиган ҳамкасбим навбатчилик гали келган ходимнинг тоби йўқлигини эшитиб, унинг ўрнида ҳам ишлади.

Хушмуомала, самимий бўлиш учун коронавирус пандемияси ва унинг аянчли оқибатлари ёки шундай синовларни кутиш керакми? Ахир ҳар бир инсон бир-бирига оқибатли, меҳрибон бўлиши керак эмасми?

Инсон зоти шунақа – бошқа бирор мусибат тушса ёки яқинларини йўқотса, дунёнинг ўткинчилиги, ён-атрофдагилар билан аҳил-иноқ, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб яшаши лозимлигини англайди.

**Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.**

««« Хатлардан сатрлар »»»

## Иштихонда меҳмонхона қурилса...

Иштихон тумани марказидаги қолипли нон пиширадиган цех бўларди. Ўзимизнинг маҳаллий буғдой унидан тайёрланадиган нон таъми, мазаси одамга жуда хуш ёқарди. Афсуски, уч ойдан буён шу цех фаолияти тўхтаб қолди. Шу атрофдаги аҳоли бу нонга ўрганиб қолган эди. Корхона фаолияти тикланса, яхши бўларди.

Туманимиз билан боғлиқ яна бир масала бор. Яъни, Иштихон катта туман, келиб-кетувчилар кўп. Ҳудудимиздан М-37 автомагистраль йўли ўтгани ҳам савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун катта имконият. Шу боис катта йўл ёқасида, туман марказида кичик бўлса ҳам меҳмонхоналар қурилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Қаҳрамон НАМОЗОВ.**

««« Янги китоб »»»

# "МАХФИЙ МАҲКАМА"

## ЁХУД ҚОНУНСИЗ ҚАМАЛГАНЛАР ҚИССАСИ

**Яқин ўтмишда рўй берган адолатсизликлар, миллатчилик ва инсон ҳуқуқларини менсимаслик каби унсурлар, мустабид тузум давридаги сўнгги қатағон — "ўзбеклар иши", "пахта иши" деган сохта уйдирмалар мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ниҳоясини топди. Аммо ўтмишнинг "аёзли" даврлари халқимизнинг хотирасига қора доғ бўлиб ўрнашди. Шулар ҳақида ўйлаб, истиқлол нақадар буюк неъмат эканлигини кўзларимиздан сизиб чиққан бир томчи ёш билан тан оламиз...**

Ҳа, шўролар даврида халқимиз кўрган талафотлар талайгина. Улардан бири адабиёт ихлосмандларига яқиндан таниш бўлган, 1969 йилдан 2013 йилга қадар прокуратура органларининг масъул лавозимларида, жумладан, алоҳида муҳим ишлар бўйича тергов қисмларида ишлаган Исматилло Йўлдошевнинг «Turon Nashr» нашриётида чоп этилган "Махфий маҳкама ёхуд қонунсиз қамалганлар қиссаси" номли асарида очиб берилган.

Мазкур қиссада адиб томонидан ишончли маълумотлар, тарихий ҳужжатлар, аниқ мисоллар келтирилган бўлиб, асар ўқувчисининг қалбини ларзага солади. Собиқ ҳукмрон тузум зўравонлиги, марказдан юборилган ҳамда маҳаллий тергов органлари вакиллари билан тўлдирилган "десантчилар" гуруҳи, уларнинг ғайриқонуний ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари акс этган асарни ўқир экансиз ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаънини ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорларига нисбатан нафратингиз ошиб боради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси И.Йўлдошев умрининг охирги йилларида ёзилган мазкур китобда ўтган кунлар, халқимиз бошига тушган туҳматлару оғир маломатлар, Гдлян, Иванов ва улар гуруҳига кирган қонунбузар терговчиларнинг ҳақиқий башараси тўғри ва холисона очиб берилган бўлиб, кечаги кундан бехабар ёшлар учун Мустақилликнинг қадр-қимматини белгилаб беради.




Адибнинг хотираларини ўқир экансиз, терговчи юқори процессуал лавозим эгаси сифатида фақат ва фақат қонуний йўл билан аниқланган ҳамда инкор этиб бўлмас далилларга асосланган ҳолда иш олиб бориши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жиҳатларни адолат тарозисига солиб, шундан кейингина узил-кесил хулосага келиши лозим бўлса-да, Гдлян, Иванов ва улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ўз фаолиятида ушбу талабларни қўпол тарзда бузиб, қонунларни сурбетларча оёқости қилганлигига гувоҳ бўласиз. Ўз муддаоларига эришиш учун гумоналанувчиларни ваҳшиёна қийноққа солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздириб, юзлаб юртдошларимизни қамаганликлари ҳақида хабар топасиз. Гдлянчилар ўзларича уйдирма айб қўйиб қамаган кишиларни отувга ҳукм қилиш билан қўрқитиб, "айбига" иқрор қилдирганликларидан, пора берганлиги тўғрисида сохта кўрсатмалар олганликларидан нафратланасиз.

Албатта, юртимизнинг кўплаб асл фарзандлари қонунбузар терговчиларнинг кирдикорларини фош қилиш, уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиш учун зарур чораларни кўрган. Китоб муаллифи ҳам ана шундай фидойи кишилардан бири эди. И.Йўлдошев собиқ иттифоқ Бош прокуратурасидаги махфий бошқармадаги фаолияти давомида Гдлян ва шерикларининг қонундан ташқари ишларини фош қилишга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўлганман. Шу сабабли ҳам ушбу асарни ўқиб, ўша даврларга қайтгандек бўлдим.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Исматулло Йўлдошев таниқли ижодкор. Унинг "Ёлғизлик", "Армонли дунё", "Ҳабиб бўлгин менга, муҳаббат", "Қабоҳатга қўйилган тузоқ", "Бешикдаги нур", "Ўзимни тинглаб" каби китоблари, 2007 йилда чоп этилган шеърлар, рубоийлар, киносценарийлар, қиссалар, бадиҳа, рисола ва бадиий лавҳалари жамланган уч жилддан иборат "Танланган асарлар"и ўз ўқувчисини топган. Унинг асарлари асосида "Ўзбектелефильм" томонидан яратилган фильмларда муаллифнинг ўзи бош ролни ўйнагани ҳам мухлисларида катта қизиқиш уйғотган.

Афсуски, ҳаёт дегани ўткинчи, инсон бу дунёга келиб-кетувчи меҳмон экан. Яқинда Исматулло Йўлдошев 70 ёшида оламдан ўтди. Биз унинг оила аъзолари ва мухлисларига ҳамдардлик билдирамиз. Ўйлаймизки, адолат ва ҳақиқат куйчиси Исматилло Йўлдошев ёзиб қолдирган асарлар унинг тириклигини абадиятга муҳрлайди.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## "Мангуликнинг 30 лаҳзаси" китоби нашрдан чиқди




Шеър юракдан ёзилса, унга қалб кўри, ички кечинмалари, орзу-армонлари тўкилса, ҳақиқий асар айланади. Ҳақиқий асар қўшиққа айланса ҳам, шеър бўлиб айтилса ҳам негадир юрак жиз этади.

*Умр асли нима? Заҳмат, синовлар,*
*Бу фоний дунёнинг имтиҳонлари.*
*Бугун сочларимга қўнган қировлар –*
*Ўша синовларнинг интиҳолари,* дейди Ёр Муҳаммад ўзининг яқинда чоп этилган "Мангуликнинг 30 лаҳзаси" номли асарида.

Жомбой тумани фарзанди бўлган Ёрмамат Рустамов ёшлигидан адабиётга меҳр қўйди. Мактабда ўқитувчиликдан газета мухбирлигигача бўлган сермашаққат йўлни босиб ўтди. У ҳозирда "Маҳалла" газетасининг Самарқанд вилоятидаги махсус мухбири сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ёр Муҳаммад аканинг ҳаёт, умр ҳақидаги шеърлари оддий тилда ёзилган бўлса-да, кишини ўйга толдиради. Инсоннинг ҳаёт ҳақидаги фалсафасини янада бойитади:

*Ҳаёт йўлларида югурдим, чопдим,*
*Гоҳида қилмаган айбимни ёпдим.*
*Йўлнинг адоғида мен сени топдим,*
*Аллоҳим, кеч топган бандангни кечир.*

Шоирнинг бугунги кунгача "Муҳаббат бекати", "Юртим нафаси", "Кўнгилга ташриф", "Қуёшни сиғдирган юрт" каби китоблари нашр этилган. Унинг янги китобидан жой олган шеърлари Ватанни тараннум этади, миллий анъаналаримизни улуғлайди ва инсонларни самимийлик, аҳиллик ва дўстликка чақиради. Унинг шеърларида ўзига хос шукроналик, ўзбекона тантилик ва дард яширин.

*Шамоллар эсади забтига олиб,*
*Майсалар тупроқда нишлайверади.*
*Шу улкан дунёни бир қопга солиб,*
*Ўзбек даласида ишлайверади.*

Муаллифнинг янги китоби билан қутлаймиз ва ижодига барака тилаймиз!

*««« Муштарий илҳоми »»»*

*Ота, сизни соғиндим жуда,*
*Она, сизни кўргим келади.*
*Юзингизга юзимни босиб,*
*Бағрингизда тургим келади.*
*Хаёлимдан жилмайсиз, илло,*
*Соғинчларим сиғмас ўзимга.*
*Ойу Қуёш тимсолингиздек,*
*Кўринасиз кўкдан кўзимга.*
*Ёддан чиқмас дуоларингиз,*
*Бадбахтлардан этди ҳимоя.*
*Кўролмаслар, ғийбат оғизлар*
*Барчасига бўлди кифоя.*
*Кексаликнинг оғушидаман,*
*Фарзандларим қобил, меҳрибон.*
*Лек ўрнингиз босолмас ҳеч ким,*
*Отажоним, азиз онажон.*
*Соғинаман бамисли гўдак,*
*Соғинчларим бағрим тилади.*
*Сатрларим эмас бир эрмак,*
*Мен сизларни кўргим келади...*

***Суюндиқ ҳожи Мустафо НУРАТОЙИЙ.***


## «МАТБУОТ УЮШМАСИ» МИЖОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

««« Эълон »»»



«МАТБУОТ УЮШМАСИ» МЧЖ орқали обуна уюштирилган даврий нашрлар ўз вақтида обуначиларга етказиб берилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Агар бу борада эътирозлар, таклиф ва мулоҳазаларингиз бўлса, қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этишингизни сўраймиз:

**66-234-94-37, 66-234-93-96, 66-234-94-32, 66-234-22-53.**

**«МАТБУОТ УЮШМАСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.**

«««« Филиалларда нима гап? »»»»

**Бу йил Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали очилди. Филиалга 600 та қабул квотаси ажратилди (300 таси давлат гранти ва 300 таси тўлов-контракт). Муассасага Каттақўрғон шаҳрида жойлашган СамДЧТИнинг академик лицейи биноси берилди.**

# СамДУнинг Каттақўрғон филиалига 600 нафар талаба қабул қилинади

- Аслида ушбу филиал Нуробод, Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи, Нарпай туманларидаги мутахассисларга бўлган талабнинг юқорилигидан очилди, - дейди филиал директори Шерзод Ўроқов. - Аммо бизда бошқа ҳудуддан ҳам ўқишни истовчилар таълим олишлари мумкин. Бизга ажратилган бино айни кунларда капитал таъмирланмоқда. Ўқув бино сиғими 1000 ўринли, шунингдек, 100 ўринли ётоқхона ҳам бор. Филиал учун 2022 йилда 1 та ўқув биноси ва 2 та ётоқхона қурилиши режалаштирилган.

Филиалда хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили, мактабгача таълим, ўзга тилли гуруҳларда рус тили, филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили, математика, бизнесни бошқариш (тармоқлар бўйича), банк иши ва аудит, бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича), ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича), ижтимоий иш (оила ва болалар билан ишлаш), спорт фаолияти: кураш каби 11 та йўналиш бўйича мутахассис тайёрлайди.

Янги ўқув йили бошлангунга қадар филиалга 40 нафарга яқин тажрибали, билимли ўқитувчилар танлов асосида саралаб олинади.

# Нарпай ва Пайариқда хорижий тиллар факультетлари очилди

**2021-2022 ўқув йилидан Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида Нарпай хорижий тиллар факультети ва Пайариқ хорижий тиллар факультетлари очилди.**

Нарпай хорижий тиллар факультетига Нарпай хизмат кўрсатиш техникуми биноси, Пайариқ хорижий тиллар факультетига собиқ Пайариқ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси берилди.

Айни пайтда бу биноларда таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу факультетларда хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили, мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили) таълим йўналишларида мутахассислар тайёрланади. Янги ўқув йилидан ҳар бир факультетга 75 нафардан талаба ўқишга қабул қилинади.

**Х.ЭРНАЗАРОВА.**

# Юзакичиликнинг сабаби нимада?

**Нега содда, самимий, далли-ғулли, оққўнгил, ишонувчан одамлар бунчалик камайиб кетаётганига ҳайрон бўламан гоҳо.**

Шуни яхши билингки, халқдан оддийлик, соддалик, оққўнгиллик, табиий ишонувчанлик хислатларининг «кўтарилиши» яхшилик аломати эмас. Истанг, истаманг дарҳол буларнинг ўрнига муғомбирлик, шумлик, ичиқоралик, меҳр-оқибатсизлик бало-қазолари кириб келади. Кириб келиб ҳам бўлди аллақачон.

Эртакларни ўқиб, уларга чиппа-чин ишониб қувонадиган, йиғлайдиган одамларни кўрганмисиз, борми шундай таъсирчан, оққўнгил одамлар?

Тўхтовсиз уруш-жанжал, келишмовчиликлар, оилавий ажримлар, даҳанаки зиддиятли телефонбозлик орқали нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам диллари дағаллашиб, қорайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай бўлиб тургач, гўзал фазилатлар, қалб поклиги, тотувлик ҳақида гап бўлиши мумкинми? Ким ахлоқий сифатлару гўзал олижаноблик, меҳр чечакларини ташувчи эртагу достонларни ўқияпти ҳозир?

Эртаклардаги воқеликларга ишонмайдиган одамларнинг эзгуликлардан ҳам мосуво эканликлари гоҳо шундай билиниб туради.

Илло, халқнинг эртак, достонларини тинглаб, ўқиб, кўз ёши тўкканлари, эмранганлари афсонага айланиб қолмаслиги керак. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ҳол одамзоднинг секин-аста тошбағирлашаётганини англатади. Ҳа, бу жуда ёмон ҳол. ахир инсонни ҳайвондан айни ана шу покиза қалб, ақл-идрокимиз ажратиб туради-ку?!

**Муродим УМРЗОҚОВ.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorhanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

# ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

**Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:**

| Т/р | Балансда сақловчининг номи | Ижарага берилаётган майдон (кв.м.) | Фойдаланиш мақсади | Ижарага берилаётган объект манзили |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд қурилиш коллежи | 48 | Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан) | Самарқанд шаҳри Намозгоҳ МФЙ, Хўжа Аҳрори Валий кўчаси, 27-уй, 3-сектор |
| 2 | Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти | 31 | Омборхона | Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй |
| 3 | Жомбой туманидаги 31-мактабнинг бўш турган 1 та хонаси | 15 | Чакана савдо | Жомбой тумани Назар МФЙ Назар қишлоғи |
| 4 | Жомбой туманидаги 14-мактабнинг бўш турган 1 та хонаси | 15 | Чакана савдо | Жомбой тумани Қанғли МФЙ, Қанғли қишлоғи |
| 5 | Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасининг автотураргоҳи | 1400 | Автотранспорт тураржойи | Самарқанд шаҳри Бўстансарой кўчаси, Сам ДЧТИ олди қисмида жойлашган автотураргоҳ, 1-сектор |
| 6 | Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси | 458,8 | Олий ва ўрта-махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан) | Жомбой тумани Эски Жомбой МФЙ |
| 7 | | 200,02 | Мактабгача тарбия муассасаси | Жомбой тумани Ногаҳон МФЙ |
| 8 | Ўзстандарт агентлиги ҳузуридаги департамент | 100,55 | Хусусий корхоналарга офис | Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-"А" уй |
| 9 | Пайариқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 99-умумий ўрта таълим мактаби | 1500 | Боғдорчилик | Пайариқ тумани Наврўз МФЙ |
| 10 | "Оқдарё туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси | 337,12 | Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | Оқдарё тумани Пўлатдархон маҳалласи, 2-сектор |
| 11 | | 529,76 | Омборхона | |
| 12 | | 630,81 | Тикувчилик саноати | |
| 13 | Ургут туман тиббиёт бирлашмаси | 228 | Умумий овқатланиш | Ургут тумани Қуйиқишлоқ маҳалласи |
| | Жами | 5494,06 | | |

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-"А" уй. Тел/факс: 66-233-23-52.**

# ҲУРМАТЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР!

*Фуқаролар мурожаатларини тезкор ва жойида кўриб чиқиш ҳамда уларга қонуний ечим топиш мақсадида монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси масъул ходимлари томонидан вилоятимизда фаолият юритаётган коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида тасдиқланган жадвал асосида доимий равишда фуқаролар қабули ўтказилмоқда.*

*Агарда сизни электр энергияси, ичимлик суви, иссиқ сув, иссиқлик таъминоти, чиқинди ташиш хизмати, табиий ҳамда суюлтирилган газ таъминоти борасида муаммолар қийнаётган бўлса, тегишли туман, шаҳардаги коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига бириктирилган ҳудудий бошқарма масъул ходимларига ёки "1159" қисқа рақамли "Ишонч телефони"га мурожаат қилишингиз мумкин.*

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА!**

# Улуғбек РАҲМАТОВ



Бешафқат ўлим дилкаш инсон, самимий дўст, талабчан раҳбар Улуғбек Раҳматовни орамиздан олиб кетди.

У.Раҳматов 1970 йил 2 январда Нарпай тумани Чингизкент қишлоғида туғилди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Сўнгра Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириб, 1995 йилда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мутахассислиги бўйича тамомлади.

У.Раҳматов 1990 йилдан Нарпай туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалиги трактор паркида чилангар бўлиб ишлади. Институтни битиргач, Оқтош кўчма қурилиш колоннасида техник хизмат кўрсатиш муҳандиси, бўлим бошлиғи, омбор мудири лавозимларида фаолият олиб борди.

У 2000-2005 йилларда Нарпай бизнес мактабида ўқув-тажриба хўжалиги агрономи бўлиб ишлади. Улуғбек жамоада меҳнаткаш, тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Ўз устида мунтазам ишлаб, тажриба ва малака оширишни истагани туфайли 2005-2020 йиллар давомида Нарпай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бош уста, механик, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, директор лавозимида фаолият олиб борди. Раҳбар сифатида жамоада тартиб-интизом ўрнатди, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

У.Раҳматов иш фаолияти давомида профессионал этика қоидаларига амал қила оладиган раҳбар эканлигини намоён этиш билан бирга, соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш ва узлуксиз профессионал таълим тизимини такомиллаштириш ишларида сидқидилдан хизмат қилди. Шу сабабли 2020 йил 3 июлдан Нарпай туман 2-касб-ҳунар мактаби директори лавозимига тайинланди.

Оилада ҳам меҳрибон ота сифатида турмуш ўртоғи Шоира опа билан бир ўғил, бир қизни тарбиялади. Маҳалла ишларида фаол қатнашди.

Бугун У.Раҳматов орамизда йўқ. Аммо унинг эзгу ишлари ҳеч қачон унутилмайди.

Меҳрибон раҳбар, самимий ва камтарин инсон сифатида Улуғбек Раҳматовнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ.**

# Пўлат ХОНХЎЖАЕВ



Самарқанднинг кўзга кўринган фарзандларидан бири, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи, халқимиз саломатлигининг фидойи посбони - Пўлат Султонович Хонхўжаев 62 ёшида вафот этди.

Пўлат Хонхўжаев 1959 йилда Самарқанд тумани Қўрғонча қишлоғида туғилганди. 1976 йилда тумандаги 25-мактабни тугатиб, отаси, ўша даврнинг машҳур ҳунармандларидан бўлган Султон Хонхўжаев тавсияси билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида ўқиди. Институтни тугатгач, меҳнат фаолиятини 1984 йилда Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлимида бошлаган. 1992 йилдан 2001 йилгача 2-сонли республика тез тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиали шифохонаси бош врачи ўринбосари сифатида хизмат қилди.

Пўлат Султонович 2001 йилдан буён Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимига раҳбарлик қилиб келаётганди. У бутун фаолияти давомида кеча-кундуз тинимсиз меҳнат қилиб, одамларнинг саломатлиги тикланишига ёрдам берди ва минглаб беморларнинг соғайишига ҳисса қўшди.

Пўлат Хонхўжаев оилада ҳам намунали ота, маҳалладошларига яқин маслаҳатгўй инсон эди. Тўрт нафар фарзанднинг отаси, ўндан зиёд набираларнинг суюкли бобоси эди.

Пўлат Хонхўжаев вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан муносиб тақдирланган. У "Соғлиқни сақлаш аълочиси", "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил", "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" кўкрак нишонлари соҳиби эди.

Тиббиёт илмининг етук билимдони, моҳир шифокор Пўлат Султоновичнинг оталарча ва дўстона маслаҳатлари, доно сўзлари ва муносиб ишлари қалбларимизда абадий қолади, халқ олдидаги хизматлари эса ўзи тайёрлаган муносиб шогирдлари ва фарзандлари амаллари да давом этади.

**САМАРҚАНД ШАҲАР ҚЎРҒОНЧА МАҲАЛЛАСИ АҲЛИ.**

**ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Пайариқ туманидаги «CHELAK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2021 йил 26 июлда ўтказилиши белгиланган 2019-2020 йилги йиллик фаолияти тўғрисидаги умумий йиғилиши узрли сабабларга кўра қолдирилганлиги сабабли ушбу йиғилиш 2021 йил 10 сентябрь куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.**

**КУН ТАРТИБИДА:**

*1. 2019-2020 йилги молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги хисоботи;*

*2. 2021 йил молиявий хўжалик бизнес-дастурини тасдиқлаш;*

*3. Бошқа масалалар.*

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 132-уй.**

**ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

* * *

**ТАКЛИФЛАР ТОПШИРИШНИНГ ОХИРГИ МУДДАТИ ЎЗГАРДИ!**

"Зарафшон" газетасининг 2021 йил 28 июлъ 63-сонида "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2021 йилда Осиё тараққиёт банки иштирокида қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан 2021-05-сонли танлов савдолари эълон қилинган. Эълонда кўрсатилган таклифларни топширишнинг охирги муддати "2021 йил 24 август куни (соат 09:00-10:00)" дан "2021 йил 30 август куни (соат 09:00-10:00)" га ўзгарганлигини маълум қиламиз.

**Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдоларини шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маъмурияти.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Жомбой туманидаги «ULUG`BEK ASR KARVON" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303765485) ўз устав фондини 186 574 292 (бир юз саксон олти миллион беш юз етмиш тўрт минг икки юз тўқсон икки) сўмдан 53 550 000 (эллик уч миллион беш юз эллик минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Жомбой тумани Зарафшон маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳридаги "RABBIM BOBO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 202728296) ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "SAXARI" масъулияти чекланган жамият (СТИР: 202758806) таркибига бирлаштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 157-уй.**

* * *

Ургут туманидаги "O'RAMAS XOLDING" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303337811) ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "RAJABBOY OTA BIZNES" масъулияти чекланган жамият (СТИР: 308495368) таркибига бирлаштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани Ўрамас маҳалласи.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Саламова Мавлюдага (2020 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Расулов Тайирга (2019 йил 8 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Казимова Зулайхо Аминовнага (2021 йил 31 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Абдукаримова Хадича Рабимовнага (2021 йил 15 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Хакимов Бахтиёр Эрназаровичга (2020 йил 2 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Мирзаев Шарип Халиловичга (2018 йил 30 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Косимов Маматкул Мавлановичга (2006 йил 2 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Булунғур туманидаги "SIROJIDDIN XALIDABONU SIFATLI ALOQA" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303119188) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нуробод туманидаги «OTCHOPAR TEPA» фермер хўжалигининг (СТИР: 204503006) дубликат думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Каххорова Дилором Абулқосим қизи номига берилган U № 6414846 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Тоштемиров Абдулло Шокиржон ўғли номига берилган U № 6896796 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги «STANDART MEYOR PLUS» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307651127) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

